

Осийлар учун жаҳаннам оташи бор

14:04 / 24.11.2018 3231

Аллоҳ таоло Жин сурасида шундай марҳамат қилади:

نَارَ لَهُ، فَإِنَّ وَرَسُولَهُ، اللَّهُ يَعْصِ وَمَنْ وَرِسَالَتِهِ، اللَّهُ مِّنْ بَلَاغًا إِلَّا

أَبَدًا فِيهَا خَالِدِينَ جَهَنَّمَ ﴿٢٣﴾

«Фақат Аллоҳдан Унинг рисолатларини етказиш, холос. Кимки Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, унга жаҳаннам оташи бор, унда мангу қолувчидирлар» (23-оят).

Яъни «Мен бировга фойда ёки зарар етказишга, Аллоҳнинг азобини қайтаришга қодир эмасман. Менинг қўлимдан келадиган иш Аллоҳ таолонинг юборган ваҳийсини одамларга етказиш, пайғамбарлик - элчилик вазифасини бажариш, холос. Ким гуноҳкор бўлса, унинг учун жаҳаннам оташи бор.